

Карьера куни



Автомобиль йўллари давлат кўмитаси тизимидаги Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида "Карьера куни-2018" меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги "2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган тадбир кадрларга буюртма берган иш берувчи корхона, ташкилотлар билан бакалавриат ҳамда магистратура босқичлари битирувчилари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишга кўмаклашиш мақсадида ўтказилди.



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тизимидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги, "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ, Ангрен логистика маркази, Навоий кон-металлургия комбинати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати каби мулкчиликнинг турли шаклларидаги 60 дан ортиқ компания ва фирма бўш иш ўринлари билан қатнашди.



Таъкидлаш керакки, институтни 2017-2018 ўқув йилида 6 та бакалавриат таълим йўналишлари бўйича 515 нафар талаба, 6 та магистратура мутахассисликлари бўйича 32 нафар талаба битиришади. Шу куннинг ўзиде тадбирда қатнашган ташкилотлар билан битирувчиларнинг 70 фоиздан ортиғи билан шартномалар тузилди.

Автомобиль йўллари давлат қўмитаси

матбуот хизмати